

O'ZBEKISTON



O'VOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 14-oktabr • Shanba • 122 (27.614) • www.uzbekistonovozlari.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

A.T.Usmonovni Andijon viloyatining hokimi etib tayinlash tўg'risida

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ;
Аҳмад Тугилович Усмонов Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2006 йил 13 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

C.Бегалиевни Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ;
Сайдулло Бегалиев Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2006 йил 13 октябрь

ТИНЧ-ОСОЙИШТА ҲАЁТНИ ҚАДРЛАШ ВА МУСТАҲҚАМЛАШ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РАВНАҚ ТОПТИРИШ — БАРЧАМИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!
Ҳурматли депутатлар!

Бугунги сессия кун тартибига қўйилган асосий масалага ўтишдан олдин кейинги пайтда Андижон вилоятда вужудга келган аҳоли, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларнинг сабаб ва илдиэлари ҳақида сизлар билан фикр алмашиб олсак, юзага келган вазиятни соғломлаштириш, ишмишимизнинг самарасини ошириш бўйича тегишли қарорларга келсак, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Булар тўғрисида гапирар эканимиз, ҳаммамизнинг, айниқса, вилоят аҳолининг ҳаётида битмас яра бўлиб қолган ўтган йилнинг май ойидаги Андижон воқеалари ҳақида тўхталмасдан ўтмаймиш.

Содир бўлган террорчилик ҳаракатлари ишторкчилари устидан олиб борилган тергов ишлари ва суд жараёнлари давомида кўп нарсалар аниқлангани, жиноятчилар қилимишига яраша қонуний жаза олгани ҳақида барчангиз хабардорсиз.

Халқро экстремистик гуруҳлар томонидан пухта ўйлаб ташкил этилган бу ёвуз ҳаракатлар, авваламбор, тинч-осуда ҳаётимиз ва орамизни бузишга, Ўзбекистонни ўзининг мустақил йўлидан қайтаришга, юртимизда конституцион тузумни ағдартиш, қандайдир «халифалик давлатини» ўрнатидек ҳоммаёлларни амалга оширишга қаратилган бугун барчамизга аён.

Бугунги кунда ҳам минтақамизда, ён-атрофимизда сақланиб қолаётган мураккаб вазият, турли таҳдид ва хавф-хатарлар Андижон воқеаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, улардан зарур сабаб ва хулосалар чиқаришга, заминимизда яшайдиган барча инсонларни доимий оғоҳликка даъват этиётганини унутмасликимиз лозим.

Албатта, бу мудҳиш воқеалар ва уларнинг оқибатида кўпгина одамлар ҳалок бўлишининг тегишли сабаблари ва чуқур илдиэлари борлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бу фожиани келтириб чиқарган сабаблар, жумладан, кўпуровчилик ҳаракатларининг четдан туриб ташкил этилгани, бунга узоқ тайёрлик қўрилгани, катта маблағ ажратилгани ҳақида гапириш ва кўп-кўп далилларни келтириш мумкин. Бўлиб ўтган суд жараёнларида бу ҳақиқат тўлиқ ўз исботини топди ва халқимиз, жамоатчилигимиз бу масалани аниқлашга аниқлаб олди.

Лекин қалбларимизни ларзага солган

бу фожиани яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан, юрагимиздан ўтказиб, қайғу-ғам эканимиз, оғир бир савол беихтиёр барчамизни қийнайди: қандай бўлдики, ҳаммамиз, биринчи галда, вилоят раҳбарлари, мана шу юрт ҳаётига, унинг эртанги кунига масъул бўлган шахслар, депутатлар ва фаоллар оstonамизга кириб келган бундай бало-қазодан гофил қолдик?

Бу воқеаларга сабаб бўлган ҳолатлар ҳақида, масъулият ҳақида гапирганда, албатта, турли хулосаларга келишимиз мумкин. Авваламбор, шу масалага мутаассадди, масъул ва жавобгар бўлган тегишли вазирлик ва идоралар — хавфсизлик хизмати, ҳуқуқ-тартибот ва милиция органлари ўз сезгирлиги ва ҳушёрлигини йўқотгани, ўз вақтида бундай ёвуз ҳуружларга тайёрлик ҳаракатларининг олдини олиш ва бартараф этишда ўз куч ва имкониятларини кўрсата олмаганини афсус билан қайд этиш зарур.

Лекин, шу билан бирга, аввало шу заминда яшайдиган халқнинг дарду ташвишдан доимо хабардор бўлиб, кундан-кунга ҳаётда учрайдиган норозилик ва эътирозлардан хулоса чиқариб, бир сўз билан айтганда, одамларнинг қайфияти ва интилишларини инобатга олган ҳолда сиёсат олиб бориш, аҳоли томонидан кўтарилган муаммоларни ечиш, агарки уларни ҳал қилиш кўлидан келмаса, бу масалаларни марказий ҳукумат олдида қўйиш ва охирига етказиш — бу кимнинг вазифаси?

Бу биринчи навбатда шу юртининг тақдирини ишончли топирилган вилоят раҳбарлари, авваламбор, вилоят ҳокимининг вазифаси эмасми?

Минг афсуски, вилоятда 2004 йилгача ишлаган собиқ ҳоким ва бугун шу лавозимда ўтирган С.Бегалиев ўз зиммасига юклаган ана шундай ўта масъулиятли вазифаларни уқдалай олмади.

Бугун шу нарса тобора аён бўлмоқдаки, ўтган давр мобайнида вилоят ҳаётининг турли соҳаларида, айниқса ижтимоий соҳаларда жиддий ва қўпол хатоларга йўл қўйилган.

Вилоятда ким қандай яшапти, ҳар қайси оилада қанча одам ишлайди, қанчаси иш тополмапти, улар рўзгорини қандай тевратяпти — ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган бундай ўткир саволларни кун тартибига қўйиш ва уларга жавоб топиш устида, афсуски, мутасадди раҳбарлар йиллар давомида бош қотирмасдан келган.

Иккинчи масала — эски совет давридаги тушунча ва қарашлар асосида ҳўжа-кўрсаткиш иш қилиш, кўзбўямачиликнинг авж олиши оқибатида вилоят раҳбарлари халқ ҳаётининг, реал воқеликдан узилиб қолди.

Бу ҳақида гапирганда, вилоятда кўпроқ ракам ва кўрсаткичларни биринчи ўринга қўйиш, уларни асосий дастак қилиб кўрсатиш, лекин бир қарашда юксак натижалар бўлиб қўринадиган бундай ҳолатлар ортида ҳўжаликларнинг молициявий аҳоли ёмонлашиб, уларнинг қарзига ботиб кетгани, энг асосийси, захматкаш деҳқон ўз пешона тери, оғир ва машаққатли меҳнати эвазига қанча даромад олапти, деган ўта муҳим саволлар четда қолиб кетганини қандай баҳолаш мумкин?

Агарки, ҳоким фақат ўзининг ва уруғ-аймоқларининг манфаатларини кўзлаш, данчиллама уй қуриш, бойлик орттириш билан банд бўлиб, одамлар қўриб турган қинғир-қўйишқ ишларни худдики сезмасдан қўрийдиган бўлса, туман ва кишлоқларда кўпчиликни қийнайтадиган муаммолар сурункасига ечилмасдан қолаверса, бунинг оқибатида жойларда норозилик пайдо бўлишини гўёки билмагандек қораверса, бундай номаъқул ҳолатлар бизнинг олиб бораётган сивбатимизга қарши чиқадиган ганимларимиз қўлига ба-мисоли кулур бериб қўйгандек бўлмай-дими? Бунинг натижасида ҳокимиятнинг обрўсига пўтур етмай-дими?

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакат миқёсида кишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш бўйича кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда Андижонда ўз умрини ўтаб бўлган қолқоз ва совхозларга ҳў эски бошқарув тизимини сақлаб қолишга уриниш, фермерлик ҳаракатига йўл бермаслик ҳолатлари давом этганини ҳеч нарса билан изоҳлаб ҳам, оқлаб ҳам бўлмайди.

Андижондек аҳоли ўта зич яшайдиган катта бир вилоят ҳаётини, унинг ҳаражати ва даромадини ҳисоб-қитоб қилиш, эртанги режаларни тузиш, ақин ва узоқ келажакда бу юртининг истиқболни қандай бўлади, деб бош қотириш, қўнчиликни ана шундай мақсадлар сари сарфарб қилиш ишлари, минг афсуски, ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Шу борада кўп марта айтилган бир гапни яна такрорлашга тўри келади. Ахир, ўзингиз йўланг, бугун мамлакатимизда бўлгани каби, Андижонда ҳам ер кўлаймаса, сув кўпаймаса, аҳоли тез

сурьатлар билан ўсиб бораётган бўлса, ниманинг ҳисобидан тирикчилик қила-миз, ниманинг ҳисобидан одамларни боқамиз?

Бугун ҳаётнинг ўзи кескин қилиб ўртага қўяётган мана шундай ўткир саволларга жавоб излаш, ўз ерида меҳнат қилиш, ўзи ва оиласи учун даромад топиш мақсадида бутун имкониятларини, ақл-заковати ва куч-қувватини сарфлашга тайёр бўлган одамларга йўл очиб бериш ўрнига эски тизим, эски ишлаб чиқариш усулларидан хали-бери халос бўлолмаган, бизларга бўлаверди, деб, янгиликка, ислохотларга қарши турган раҳбарлар аслида ўмумий давлат сиёсатига қарши чиқётганини ўзи англайдими, йўқми?

Вилоятда илдиэ отган яна бир ноҳуш ҳолат борки, қанчалик аччиқ бўлмасин, бу ҳақида гапиришга мажбуримиз. Бу ерда билимли ва истеъдодли ёшларга, ташаббускор ва илзунчан, ўз мустақил фикрига эга бўлган кадрларнинг ўсиб-ўл-ғайишига йўл бермаслик билан боғлиқ кўп-кўп мисолларни келтириш мумкин.

Мана шундай ҳолатлар охир-оқибатда вилоятда маънавий муҳитнинг бузилишига, носоғлом қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Вилоят, шаҳар ва туманларнинг раҳбарлари, мутасадди шахсларнинг аҳоли орасида бузғунчи гапларни тарқатиш билан шуғулланган «Акримийлар», «Хизб-ут-Тахрир» каби зарарли оқимлар вакилларини кўриб-кўрмасликка олгани, бу масаладан ўзини қандайдир четга тортди, уни фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши деб қараб келгани ҳам бунга тасдиқлайди.

Надоматлар бўлсинки, «Сен — менга тегма, мен — сенга тегмайман» деган ана шундай қайфият билан томошабин бўлиб яшаш қандай фожиали оқибатларга олиб келишини Андижон воқеалари мисолида ҳаммамиз кўрдик ва бунинг жабрини тортдик.

Қадрили юртдошлар!

Андижон вилоятдаги содир бўлган ана шу фожиали воқеалар оқибатини бартараф этиш, парокандаликка йўл қўймаслик, вилоятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, олиб бораётган ислохотларни давом эттириш мақсадида давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

13 октябрь куни Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида, аввало, кейинги пайтда Андижон вилоятда вужудга келган аҳоли, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларнинг сабаб ва илдиэларига эътиборни қаратди.

Президентимиз ўтган йилнинг май ойида рўй берган Андижон воқеалари халқро экстремистик гуруҳлар томонидан ташкил этилганини яна бир бор таъкидлади. Бу ёвуз ҳаракатлар, авваламбор, тинч-осуда ҳаётимизни бузишга, Ўзбекистонни ўзининг мустақил йўлидан қайтаришга, юртимизда конституцион тузумни ағдартишга қаратилган бугун-барчамизга аён.

Андижон вилоятда содир бўлган ана шу фожиали воқеалар оқибатини бартараф этиш, вилоятда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, ислохотларни давом эттириш мақсадида давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, Андижон вилоятини 2005-2006 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз шу ўринда одамларнинг кундалик ҳаёти ва қайфиятига бевосита таъсир ўтказадиган соҳа ва тармоқлар ривожини билан боғлиқ баъзи муҳим рақамларга эътиборни қаратди.

Андижон вилояти бўйича электр тармоқларини ривожлантириш, таъмирлаш ва қайта қуриш борасида 2005 йилда ва жорий йилнинг 9 ойи давомида қўшимча равишда 470 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Газ таъминотини яхшилаш бўйича 4,7 миллиард сўм, илчиллик суви таъминотини яхшилаш бўйича жами 900 миллион сўм, йўл қурилиши ва кўприкларни капитал таъмирлаш учун 695 миллион сўм, че-

гара ҳудудларидаги уй-жойларни таъмирлаш, тартибга солиш бўйича 934 миллион сўм ҳажмида иш бажарилгани йиллар мобайнида ечилмасдан келган муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди.

Аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган умумдавлат дастурларига мувофиқ вилоятда 2005 йилда 9 та даволаш муассасаси ва 17 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Бу вилоятда тиббий хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш имконини бермоқда.

Мақтаб таълимининг ривожлантириш умумий миллий дастури доирасида вилоятда биргина жорий йилнинг ўзида 64 та мақтаб капитал, 13 та мақтаб эса жорий таъмирлангани, 8 та касб-ҳунар коллежининг фойдаланишига топширилгани ёшларимизнинг замонавий билим ва ҳунар эгаллаш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Айни пайтда, ўтган давр мобайнида вилоят ҳаётининг турли соҳаларида, айниқса ижтимоий соҳаларда жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Ким қандай яшапти, ҳар қайси оиладан қанча одам ишлайди, қанчаси ишсиз, улар рўзгорини қандай тевратяпти — ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган бундай ўткир саволларни кун тартибига қўйиш ва уларга жавоб топиш устида, афсуски, вилоятнинг мутасадди раҳбарлари бош қотирмаган, деди Президентимиз.

Мамлакат миқёсида кишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш бўйича кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда Андижонда ўз умрини ўтаб бўлган эски бошқарув тизимини сақлаб қолишга уриниш, фермерлик ҳаракатига йўл бермаслик ҳолатлари давом этганини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг аксарият вилоят ва туманлари ўз шартнома мажбуриятларини ошириб бажараётган бир пайтда Андижон вилоятда пахта йиғим-терим сурьати кундан-кунга пасайиб бораётгани, вилоятнинг

ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариши хавф остида қолаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Афсуски, бундай ачинарли ҳолат бу ерда кейинги йилларда сурункали тус олмақда. Ўтган йили вилоят бўйича давлатга салкам 45 минг тонна пахта хомашёси етказиб берилмади, 11,5 миллиард сўм ҳажмидаги даромад бой берилди. Бошқача айтганда, ҳўжаликлар, умид билан меҳнат қилган одамлар шунча бойликдан маҳрум бўлдилар.

Ишга эскича ёндашув, одамларда ерга ва мулкка эғалик ҳиссийети, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусини уйғота олмастик оқибатида вилоятда фермерларнинг ялғи ҳосил микдоридидаги улуғи республика бўйича энг паст даражани ташкил этади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Сайдулло Бегалиев Андижон вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислам Каримов вазиясига кўра, Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимда ишлаб қалаётган Аҳмад Усмонов Андижон вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан «Нуроний» ҳамгармаси вилоят бўлими раиси Т.Топибодиев, вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари Н.Саидов, «Маҳалла» ҳамгармаси вилоят бўлими раиси У.Ҳайдаров, Улғунор туманидаги «Ишонч» фермер ҳўжалиги раҳбари С.Жўраев, «Андижонкабель» Ўзбекистон—Россия қўша корхонаси бош директори Ё.Одиллов, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи О.Абдураимов Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, ушшоқлик ва ташаббускорлик билан адо этиш андижонликларнинг бугунги кундаги асосий бурчи ва вазифаси эканини таъкидлади.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Сайд ШУКУРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

РАВОН ЙЎЛЛАР ЮРТ КЎРКИ



Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишида йўлларнинг ўзига хос ўрни бор. Самарқанд вилояти ҳудудидан асосан иккита халқро автйўл кесиб ўтади. Вилоят миқёсидаги йўлларни ҳисобласак, жами 4128 километри ташкил этади. Йўлларнинг равонлиги ва текислигини таъминлаш мақсадида жорий ва капитал таъмирлаш ишларини бажариш эса асосан, «Самарқанд автйўл» ҳудудий шўба корхонаси йўлсозлари зиммасига юклатилган.

Вилоятдаги Булунғур, Оқдарё, Самарқанд, Пайарик, Тойлоқ туманларида мазкур корхонага қарашли бўлиларда меҳнат қилаётган йўлсозларнинг зафарли меҳнатлари барчага ўрнак бўлмоқда.

Шу кунларда шўба корхона жамоаси Самарқанд — Каттакўрғон — Навоий катта йўлининг 39 километрини капитал таъмирдан чиқаришга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, улар томонидан ана бешта кўприк қурилди. Каттакўрғон шаҳри ҳудудидан ўтайдиган катта трасса йўли ўта серкатновлиги сабабли, бу ерда эни 37 метрли, узунлиги 4500 метрли янги айланма йўл таъмирланиб, яқинда ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Келгуси йил эртақлар шаҳри Самарқанд ўзининг 2750 йиллик юбилейини нишонлайди. Шу мақсадда шаҳар йўллари янада ободонлаштирилиб, кўркамлаштирилмоқда. Серкатнов ва тирбанд йўллар кенгайтирилмоқда. Самарқандлик йўлсозлар томонидан ана қўшимча учта йўл фойдаланишга топширилади.



Суратларда: ҳудудий шўба корхона йўлсозлари фаолиятдан лавҳалар.
Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzspb.uz e-mail: info@uzspb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида
барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНИГИЗ КАЛТИДИР
Хизматлар лицензияланган

● Обод маҳалла — мамлакат кўрки «КЎЛОБ» — ФАРОВОН ОВУЛ

Мустақиллик йиллари мамлакатимизнинг нафақат шаҳарлари ва туманлари марказлари, ҳатто олис-олис қишлоқлари ҳамда овулларни қиёфаси ҳам тобора ободонлашмоқда. Ҳўжайли туманидаги Кўлоб овул фуқаролар йиғини маркази ана шундай масканлардан бири.

Фуқаролар йиғини ҳудудда деҳқончилик қилинадиган ерлар деҳқонлар қўлига ўтиб, ерга, техникага бўлган муносабат ўзгарган, бу ерда пахта, бугдой ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлиги кескин ошди. Одамларда масъулият ҳисси кучайди. Тармоқларда агротехника маданияти юксалди. Буларнинг ҳаммаси фермерлар ва ишловчилар даромадини кўпайтирди. Ёниги-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, электр энергияси ва эҳтиёт қисмлар тежамида ижобий ўзгаришлар сезилди. Айниқса, Исмаил Ғабриелов ва Уллубек Уринбетов раислик қилаётган «Қорақалпоғистон», Охунбобоев номли муқобил машина-трактор парклари жамоалари овулларни комплекс ободонлаштириш, ишсизларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида ибратли амалларга қўл урди.

РАҚАМЛАР: Фуқаролар йиғини ҳудудда 9650 нафар аҳоли яшайди. Шундан 3520 нафари ишга аҳоли, 2130 нафари иш билан банд. 1625 нафар ўқувчи, 58 нафар талаба, 745 нафар пенсияонер ва минг нафарга яқин гўдаклар бор. 3 та ўрта умумтаълим замонвий мактаб барча ўқувчи хўжаликлар билан жиҳозланган. Уларда турли фан тўрақлари, компьютер синфхоналари, лаборатория ва кутубхоналар ҳамда шинам спорт заллари болалар ихтиёрида. Учта замонвий шифоқорлик пункти аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Фуқаролар йиғини овуллариди амалга ошириладиган ободонлаштириш ишлари ибратга молик: магистрал ва ички йўллар тўла асфальтдан чиқарилди. Туман маркази билан

автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Боғ-роғлар, мевозорлар барпо этилди. Барча хондонлар газлаштирилди. Ичимлик суви таъминотига эришилди. Йиғинда бўлиб ўтган сўнгги сайловда маслаҳатчи бўлиб сайланган Ўзбекистон ХДП аъзоси Меҳрибон Реимова ўзининг дастлабки иш кунини ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, шунингдек, ногиронлар, боқувчисини йўқотган ҳамда ёрдамга муҳтож кишиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиқди.

— Худудимизда 4365 нафар хотин-қиз истиқомат қилиб, ҳозир улардан ишга яроқли 1850 нафарининг 1630 нафари иш билан банд, — дейди у. — 278 нафари уйда болалар тарбияси билан машғул. Ўтган йили 116 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган бўлса, бу йил уларнинг 45 нафарига микрокредит ҳисобидан 4 миллион 290 минг сўм кредит олиб бердик. Энди улар тадбиркорлик билан шуғулланмоқдалар. Меҳнат биржасида навбатда турган хотин-қизларимиз ҳам эрта-индин муқим иш жойларига эга бўлишди.

— Гапнинг лўндаси, — суҳбатга қўшилди фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистон ХДП аъзоси Суяноқбой Собуров. — Президентимизнинг барча фармонлари, ҳукуватимиз қарорлари ҳамда Ўзбекистон ХДП V Қурултойи, унинг Кенгаши пленумлари кўрсатмаларини изчил, бажариш йўлида ҳамма фермер хўжаликларнинг иқтисодий-иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш учун бор куч-ғайратимизни ишга соляпмиз. Бизда бу иш — бирламчи, бу иш — иккинчи деган гап йўқ.

Мутахассислар, мактаблар жамоаси, тиббиёт маюссалари раҳбарлари, ҳудуд фаоллари ҳаммаси — Кўлоб овул фуқаролари йиғинининг янада обод бўлиши учун масъул...

Рейсмайб ЭШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири


2007 ЙИЛДАН ЎЗБЕКISTON ГАЗИНИНГ ЭКСПОРТ НАРХИ ОШАДИ

2007 йил январь ойдан бошлаб Ўзбекистон газининг экспорт нархи минг кубометр учун 100 АҚШ долларига ошади, бу эса жаҳон бозоридидаги конъюнктура ўзгариши билан изоҳланади. «Узтрансгаз» АК бош директорининг биринчи ўринбосари Уктам Эшмуродов томонидан маълум қилинган билдиришномасида мувофиқ Ўзбекистондан экспорт қилинадиган газ нархининг ошоши жаҳон бозоридидаги конъюнктура ва газни ташинишга сарфланадиган харажатларнинг кўпайиши билан боғлиқлиги айтилди.

«Узтрансгаз» АК савдо ҳамкорларига 2007 йилдан бошлаб минг кубометр газ нархи ҳозирги 60 АҚШ долларидан 100 АҚШ долларига ошоши тўғрисида расмий мактуб йўллади, деб айтди «Узтрансгаз» АК бош директорининг биринчи ўринбосари.

Бунда У.Эшмуродов, жаҳон амалиётдан далил келтириди, хусусан, қўшни Туркменистон давлати жорий йилнинг IV чорағидан минг кубометр газни 100 АҚШ долларига сотаётганини айтди. Ўзбекистон эса 2007 йилнинг январь ойдан бошлаб бундай нархда газ сотишни бошлади.

«Ўзбекистон газининг ба-



хоси бозор механизмлари асосида қурилади ва биз савдо ҳамкорларимиз, шу жумладан, қўшни мамлакатларга нисбатан ушбу механизмларга риоя этиш тарафдоримиз. Бу эса, биринчи навбатда, Ўзбекистон манфаатларининг ҳисобга олинишини таъминлайди.

Минг кубометр Ўзбекистон газ учун 100 АҚШ доллари — бу Ўзбекистон газини истеъмол қилувчи барча хорижий мамлакатлар, шу жумладан, Марказий Осиёдаги қўшилариимиз учун ҳам бир хилдир, — деб қайд этди «Узтрансгаз» АК бош директорининг биринчи ўринбосари.

Экспорт нархини бозор механизми асосида белгилаш

ниши керак.

«Тожиқгаз» давлат корхонаси бош директорининг ўринбосари Фозилхон Гулов ҳам бу борада ҳамфикрлигини билдирди. «Жаҳон бозори конъюнктураси доирасида Ўзбекистондан етказиб бериладиган табиий газнинг нархи ошиб боради» деб таърифлади у. Шунингдек, тожиқистонлик мансабдор шахс газ нархининг ошоши бу ўзбекистонлик газчиларнинг инжиқлиги эмаслигини таъкидлади. Бугун дунёда энергия ташувчиларга нисбатан нархининг ошоши тенденцияси кузатилаётган. Бу борада Ф.Гулов тожиқистонлик тадбиркорлар газ нархининг кейинчалик ҳам ошиб боришига тайёр бўлиши керак деб ҳисоблайди.

«Газ тарифларининг ошоши шубҳасиз», — деб қайд этгани «Қирғизгаз» ОАЖ бош директори Игор Чудинов. Қирғизистон ОАВ маълумотларига кўра, президент Қўрманбек Бакиев томонидан тегишли органларга табиий газ нархи кескин ошиб кетган тақдирда зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш топширилган.

(«Бизнес-вестник востока» газетасининг 2006 йил, 12 октябрь сонидан олинди)

Микрокредитбанк:

ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ

Наманган вилоятида кичик бизнес билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида айнан кичик тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига қўшимча 4518 та янги иш ўринлари яратилди. Янги ички маҳсулот таркибиди улар улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 фоизга ўсди.

Истиқлолимизнинг 15 йиллиги арафасида фаолият бошлаган АТ «Микрокредитбанк» вилоят бошқармаси ўтган қисқа мuddат ичида Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарори, шунингдек, республика Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорларга яратилган шартлардан тўлақонли фойдаланишларини таъминлаш борасида дадил қадамлар ташлади. Дастлабки тарғибот ишларида кейин банкимиз ва унинг туманлардаги бўлиmlарига 100 дан зиёд киши ариза билан мурожаат қилди. Мутахассисларимиз билан улар ўртасида ўқув семинарлари ташкил этдик.

Маълумки, ҳар қандай банк ривожини миқдорлар савияси билан боғлиқ. Бизнеснинг миқдорлар тадбиркорлик фаолияти бўйича аниқ тасаввурга эга эканликларидан ташқари, қатъий бизнес режа асосида иш ўринлари яратиш, олинган кре-

дитлар ва уларнинг устама фоизларини вақтида тўлаб бориш кўникмаларига ҳам эгилар. Шу боиски, мақсади аниқ ва тадбиркорликка лаёқати баланд кишиларни банкка жалб этиш тадбирлари режасини ишлаб чиқдик. Масалан, «Адолат — ҳаёт посбони» фермер хўжалиги раҳбари Адолатхон Бегалиева бошлангич сармомани шакллантириш мақсадида чорвалчилик билан шуғулланиш учун ўн саккиз ой мuddатга 2000,0 минг сўм кредит олганди. У ўз бизнес режасига мувофиқ 1800,0 минг сўмга беш бош қорамол, 200,0 минг сўмга еш сотиб олиб, (янги иш ўринлари ҳам яратиб) сотилган дастлабки маҳсулотни ҳисобидан банк кассасига нақд ва пул ўтказиш йўли билан мўмайгина пул айланимасига эришди.

Ёки фуқаро Самиддин Мамасодиқов машиини хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун 14% устама тўлаш шарти билан шу йил июль ойи якунида икки йил мuddатга 5400,0 минг сўм миқдорда кредит олди. Хусусий фирмаси қосида ўн та ишчи ўрни яратиб, текиб сотилган маҳсулотлари ҳисобидан август ойидаёқ банкка 460,5 минг сўм нақд пул топширди. Шунингдек, «Мадина Фловей» НК хусусий фирмаси раҳбари Шукурхўжа Марипов 5400,0 минг сўм микрокредит олиб, бизнес

режага мувофиқ нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди...

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микролизинг хизмати кўрсатиш бўйича ҳам ижобий тажрибалар тўплаймиш. Йилнинг ўтган қисқа даврида вилоят бўйича 46400,0 минг сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатдик. «Микрокредитбанк» Янгиқўрғон бўлими талабномасига кўра, банк миқдози «Мунаввархон Маликова» фермер хўжалигига уч йил мuddатга молиявий лизинг йўналишида 10000,0 минг сўмга «Т-4» русумли занжирли трактор олиб берилди. Амалиёт бўлими талабномасига асосан миқдози «Абдулла Алижон Усмонов» фермер хўжалигига 7400,0 минг сўм миқдорида трактор прицепи, Тошқўб бўлими миқдози «Олинобош» уруғчилик бирлашмасига 20000,0 минг сўмлик «ТТЗ-80» трактори ҳамда култиватор техникасига молиявий лизинг хизматлари кўрсатилди. Натихада 12 та янги иш ўринлари вужудга келди... Буларнинг ҳаммаси вилоятимизда тадбиркорларга бериладиган имтиёз ва имкониётларнинг ёрқин ифодасидир.

Собирхон ҚОРАБОЕВ,
«Микрокредитбанк» АТБ
Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари



ШИМОЛИЙ КОРЕЯ — БМТ

АҚШ БМТ Хавфсизлик Кенгашида КХДР бўйича янги резолюция лойиҳасида оғир қурол-яроғлар эмбаргоси ҳақидаги айтилган. Шу билан бирга лойиҳада кўпгина мамлакатлар эътирозига сабаб бўлаётган шарт қолдирилди. Бу шартга кўра, КХДРга етказиб бериладиган ва олиб чиқилаётган юкларнинг мажбурий назорати ўтказилиши керак. Чора маҳфий равишда қурол-яроғ олиб ўтилишининг олдини олиш учун ишлаб чиқилди.

Япониянинг «Kyodo» агентлиги хабар беришича, Япония бошчилик қилаётган Хавфсизлик Кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда резолюцияда иқтисодий санкциялар қўлланишини назарда тутган 41-модданинг 7-банди эслатиб ўтилган. ХКнинг 41-моддасига кўра, БМТ ўз аъзоларига лизинг қилинган қурол-яроғларни қўлга олишга мажбурий назорат қўлади.

Шу пайтгача, ХКнинг аъзолари КХДРга нисбатан қандай чоралар қўллаш ҳақида келиша олмаётган эди.




Лойиҳанинг биринчи вариантга Хитой ва Россия қарши чиқиб, КХДР масаласига вазминлик ва узоқни кўра билиш орқали ёндашишга чақирганидан кейин ҳужжат анча енгиллаштирилди.

Жумладан, янги ҳужжатда КХДРга қурол етказиб бериш эмбаргоси масаласи анча yumшатилди. Даставвал, АҚШ барча турдаги

қурол етказиб берилиши тақиқланиши кераклиги ҳақида гапирган бўлса, янги резолюция лойиҳасида оғир қурол-яроғлар эмбаргоси ҳақидаги айтилган. Шу билан бирга лойиҳада кўпгина мамлакатлар эътирозига сабаб бўлаётган шарт қолдирилди. Бу шартга кўра, КХДРга етказиб бериладиган ва олиб чиқилаётган юкларнинг мажбурий назорати ўтказилиши керак. Чора маҳфий равишда қурол-яроғ олиб ўтилишининг олдини олиш учун ишлаб чиқилди.

Япониянинг «Kyodo» агентлиги хабар беришича, Япония бошчилик қилаётган Хавфсизлик Кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда резолюцияда иқтисодий санкциялар қўлланишини назарда тутган 41-модданинг 7-банди эслатиб ўтилган. ХКнинг 41-моддасига кўра, БМТ ўз аъзоларига лизинг қилинган қурол-яроғларни қўлга олишга мажбурий назорат қўлади.

Шу пайтгача, ХКнинг аъзолари КХДРга нисбатан қандай чоралар қўллаш ҳақида келиша олмаётган эди.



Лойиҳанинг биринчи вариантга Хитой ва Россия қарши чиқиб, КХДР масаласига вазминлик ва узоқни кўра билиш орқали ёндашишга чақирганидан кейин ҳужжат анча енгиллаштирилди.

Жумладан, янги ҳужжатда КХДРга қурол етказиб бериш эмбаргоси масаласи анча yumшатилди. Даставвал, АҚШ барча турдаги



САУДИЯ АРАБИСТОНИ

Саудия Арабистони ҳукумати шу йилнинг декабрь ойида муборак Ҳаж сафарига отланган муслмонлар шифоқор маълумотномасисиз виза ололмаглигини маълум қилди. Маълумотномада текширилган шахс полиомиелит касаллигига учирамаганлиги тасдиқланган бўлиши керак.

Бу шарт касаллик кенг қулоч ёйган мамлакатлар — Нигерия, Ҳиндистон, Афғонистон ва Покистон фуқароларига тегишлидир.

Бир неча йил олдин Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти полиомиелит устидан галаба қозонилганлиги ҳақида маълум қилганди. Бироқ мутахассислар бу касаллик аломатлари 20дан ортиқ мамлакатда кузатиладигани ҳақида бонг урмоқдалар.

● Аччиқ, аммо очиқ гаплар

«ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР, ЕМОҚНИНГ...»

Бугунги ҳаётимизни электр нуридан тасаввур этолмаймиз. У хонадонимизни чароғон, ҳаётимизни фаровон этувчи катта иқтисодий манбалардан бири. Зеро, бир дақиқа электр қуввати узиб қўйилса, қанчадан-қанча ишлаб чиқариш корхоналари нечоғли зарар қўришини тасаввур қилинг. Уни ишлаб чиқаришга қанча-қанча харажат кетишини ҳам ўйлаб қўринг. Шу боис, ҳозир электр қувватидан тежаб фойдаланиш — кун тартибиди турган асосий масалалардан бири. Ҳўш, Навоий вилоятида бу борада олиб бориладиган чора-тадбирлар самараси қандай?

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисобчилик қилиш механизмининг тўқиб тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси йўлида шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида «Навоий ЭТ» ОАЖнинг ҳудудий бўлиmlари томонидан фойдаланилган электр энергияси учун мuddати ўтган дебиторлик қарзларига йўл қўйган корхоналар бўйича 75 маротаба реестр тақдим этилди. Унга кўра, жами корхоналар сони 568 тани, мuddати ўтган дебиторлик қарзларининг умумий суммаси эса 43313,5 млн. сўмни ташкил этди. Ҳўжалик судига ариза орқали мурожаат қилингунга қадар 298 та қарздор корхонадан 2684,5 млн. сўмлик қарзлар ундирилди. Қолган 270 та корхонанинг 40665,0 млн. сўмлик мuddати ўтган дебиторлик қарзини мол-мулки ҳисобидан ундириш учун ариза орқали Ҳўжалик судига мурожаат қилинди. Суд буйруқлар чиқарди. Шундан сўнг буйруқлар ижро учун Суд департаменти Навоий вилоят бўлими томонидан ижрога қўрилди.

Дебитор ва мuddати ўтган қарз суммаларини қисқартириш бўйича ҳокимликлар, электр тармоқлари корхоналари, суд ижрочилари Департаменти билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, ҳар ойда икки

марта вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишларда амалга оширилган ишлар атрофида таҳлил қилинмоқда. Масалан, йилнинг ўтган ойлари давомида шаҳар ва туман ДСИ ходимлари томонидан ўтказилган 305 та ҳужжатли ва қисқа мuddатли текширишларнинг 29 тасида 9841,7 минг сўмлик ноқонуний электр энергияси истеъмол қилинганлиги аниқланди. Электр энергияси сарфи қийматининг 30 фоизини олдиндан тўламаганлиги учун хўжалик субъектларининг 10 тасида 255,5 минг сўмлик ноқонуний истеъмол қилинган электр энергияси мавжудлиги маълум бўлди. Ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида тўланмаган қарзлари мавжуд бўлган 9 та хўжалик субъектида 9035,9 сўмлик, ўзбошимчилик билан

халқимизнинг нордонгина бу нақли Навоий вилоятида электр энергиясидан ўғринча ёхуд боқимандаларча фойдаланаётган айрим истеъмолчилар ҳақида ҳам айтилгандек гўё

электр тармоғига уланган 5 та хўжалик субъектида 78,0 минг сўмлик ноқонуний истеъмол қилинган электр энергияси борлиги аён бўлди. Ушбу текширишлар натижа-сида тузилган доллолатномаларнинг барчаси ҳудудий шаҳар ва туман прокуратураларига берилиб, 16 та мансабдор шахсга нисбатан 842,0 минг сўмлик маъмурий жараима қўйилди. Тармоқларга ўзбошимчилик билан уланган ўнлаб объектларда истеъмол тўхтаб қўйилди.

Бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш учун тармоқ тизимларида электр энергиясини ҳисобга олишининг ўрнатилганлиги таъминланди. Ҳозиргача 1 фазали электр энергиясини ҳисобга олишининг замонвий қурилмаларидан 9108 та, 3 фазали электр энергиясини ўлчайдиган

замонавий приборлардан 479 таси ўрнатиб бўлинди. Режага кўра, 2008 йилгача қолган эски русумли электр ўлчов асбоблари тўла алмаштирилади.

Хулоса қилиб айтганда, бироқ кўпроқ бўлса-да, элимиз «Олмоқнинг бермоғи бор, ёмоқнинг қосмоғи...» деган нақлни беҳиж айтмаган. Электр қувватидан фойдалангандан кейин унинг ҳақини ҳам, қарзини ҳам вақтида тўлаш лозим. Акс ҳолда қарздорлик кўпайиб, иш судга ошиб, устама жарима-ю маъмурий жазолар ноҳушлик келтириши, табиий.

Ҳамза МУҲАММАДИЕВ,
Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси «Юридик шахсларнинг мuddати ўтган ўзоро дебиторлик қарздорлигини назорат қилиш» шўбаси бошлиғи

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАШКИЛОТИ «АUKSION-INVEST»

2006 йил 16,23,30 ноябрь ва 7,14 декабрь кунлари соат 10⁰⁰ да кимосиди савдоларини ўтказлади.

Савдога қуйидаги бино ва иншоотлар қўйлади:

Тошкент шаҳар хўжалик судининг №10-0608/2576-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 61-уйда жойлашган «ТАПО-Авиа» қўшма корхонасига тегишли, бошлангич нархи 5 274 940 сўм бўлган мол-мулклар; давлат рақами 10 АО 517 бўлган «Тико» автомашинаси, бошлангич нархи — 3 100 000 сўм ва давлат рақами 10 АО 119 бўлган «Тико» автомашинаси, бошлангич нархи — 3 300 000 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектлар бошлангич нархининг 10 фоизи миқдориди гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй.
Телефон: 392-46-23.

Ташкилотнинг гувоҳномаси № 000530

БУЮК БРИТАНИЯ

Буюк Британия Бош штаби раҳбари Британия ҳарбийларининг Ироқда фаолият олиб бориши мамлакатда хавфсизлик борасида юзага келган қийин вазиятни янада чигаллаштиришини билдирди. Генерал Ричард Дэннотт «Daily Mail» газетасига берган интервьюсида Британия ҳарбийлари Ироқдан чиқиб кетиши кераклиги ҳақида айтган.

Айни пайтда Ироқда 7 мингга яқин британиялик зобит ва аскарлар жойлаштирилган бўлиб, уларнинг ақсарияти мамлакат жанубидаги Басра шаҳридадир.

Қузатувчилар фикрича, Бош штабининг янги раҳбари Дэннотт сўзлари Буюк Британия ҳукуватининг кўпгина аъзолари фикрига қаршидир. Улар Дэнноттнинг сўзлари янги бош вазир учун жиқдий оғохлантириш сифатида қабул қилиниши мумкинлигини баъшорат қилишмоқда.

Август ойида лавозимини эгаллаган Дэннотт Ироқда британиялик аскарларга бўлган муносабат бағрикенгликдан нафратга айланганини айтиб ўтди.

— Одатда чет эллик бирор бир мамлакатга тақлиф қилинсагина яхши кутиб олинади, бироқ бизни ҳеч ким Ироққа чақирмаганди, — деди генерал.

2006 йил — «Хомийлар ва шифокорлар йили»

УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРЛАРИ

Мамлакатимизда инсон ва унинг сийҳат-саломатлиги ҳақида гамхўрлик қилиш давлат сийҳатининг устувор вазифасига айланган. Сўнги йилларда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзининг ҳаётий фалсафасини шакллантиришга қаратилган ишчилик ва фаолият жонланди. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимининг қишлоқлардаги бирламчи бўлини муассасаларининг фаолияти, яъни умумий амалиёт шифокорларининг роли каттадир.



Аҳоли саломатлигини муҳофазалашда умумий амалиёт шифокорлари қандай фаолият кўрсатапти? Ташкент Тиббиёт академияси «Умумий амалиёт врачлари тайёрлаш» кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдугаффор ГАДАБЕВ билан шу ҳақида суҳбатлашдик.

— Аввало, истиклол йилларида тиббиёт тизимида амалга оширилган ислохотлар ҳақида тўхталсангиз.

— Маълумки, мамлакатимизда умумий амалиёт врачлари тизими кенг жорий этилишига юртбошимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида»ги Фармони асос бўлди. Фармонда соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини ислоҳ қилиш ҳамда қишлоқларда қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳарларда эса оила поликлиникаларини ташкил этиш кўзда тутилган эди. Ҳозир ушбу ислохотлар яқинлашиб арафасида да турибди. Яъни, бирламчи бўлини муассасаларида кўп қиррали тиббий хизмат кўрсатувчи умумий амалиёт врачлари иш олиб бормоқдалар. Улар олий маълумотга эга бўлган мутахассис ҳисобланиб, аҳолининг ёши, жинси, касаллигидан ҳатти назар алоҳида шахсга ва оиласи тиббий хизмат кўрсатадилар. Улар оила-ларда мунтазам равишда профилактика ишларини олиб борадилар. Бинобарин, улар доимий равишда ўзларига бириктирилган аҳоли билан мулоқотда бўладилар.

Умумий амалиёт врачлари тизимининг тиббий ҳамда иқтисодий самараси дунёдаги етакчи мамлакатларда аллақачон ўз исботини топган. Авваламбор, кўп ҳолларда бир вақтнинг ўзида беморда бир неча касалликларга хос бўлган белгилар пайдо бўлади. Шифокор уларнинг ҳар бирини тиббий нуқтани назардан тўғри баҳолай олмайди. Бўйи инсон руҳий ҳолати билан танаши ҳамда

ички аъзолари орасида узвий боғлиқлик борлигини унутмаслигимиз керак. Бу белгиларнинг қайси қуринишда намоён бўлишини фақат беморни узоқ кузатган шифокоргина тўғри баҳолай олади. Умумий амалиёт врачининг ушбу талабларга тўғри жавоб беради. Шу ўринда яқинда АҚШда чоп этилган статистик маълумотларга ўқувчилар эътиборини қаратмоқчиман. АҚШ яқиндаги маълумотнинг 15 фоизини соғлиқни сақлаш тизимига сарфласа-да (бу бошқа давлатларга қараганда, энг кўп ҳарajat ҳисобланади) аммо, соғлиқни сақлаш энг ривожланган 13 мамлакат орасида 12 ўринда туради. Бунга сабаб ушбу мамлакатда умумий амалиёт врачлари барчаси республикамизда бирламчи тиббий хизмат кўрсатишнинг қайси даражада ташкил қилиниши билан ҳам узвий боғлиқдир. Буларнинг барчаси республикамизда бирламчи тиббий хизматни ислоҳ қилиш учун танланган йўл тўғри эканлигини далил беради.

Дунё тиббиёт тизими тарихига аҳамият берадиган бўлса, ўтган асрнинг ўрталарида Буюк Британияда умумий амалиёт врачлари тизими яширин ҳолатда ташкил топган эди. Ва у жуда катта қийинчиликлар билан ривожланган, кейинроқ бошқа мамлакатларга ҳам тарқалган. Юқоридагилардан факли ўлароқ республикамизда эса умумий амалиёт врачлари тизимининг татбиқ этишда давлат бош ислохотчи вазифасини ўтамоқда. Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, умумий амалиёт вра-

чининг асосий фаолияти нафақат беморларни даволаш, балки касалликларнинг олдини олиш, яъни соғлом аҳоли билан ишлашга қаратилгандир. Бу йўналишда олиб борилаётган ишлар яқин келажакда республикамизда кенг тарқалган юрак-қон-томир, нафас аъзолари, ошқозон-ичак тизими ва қатор бошқа аъзолари касалликларини камайишига олиб келади. Бунга эришишда аҳолини ўз соғлиги тўғрисида ўйлашга жалб этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун навбатдаги вазифалардан бири ушбу ишларни ташкил қилишга қаратилган бўлиши лозим.

— Билишимизча, бугунги кунда «Умумий амалиёт врачлари тайёрлаш» кафедраси қошида ташкил топган марказларда вилоятлардан кўплаб шифокорлар келиб, билим ва тажриба олиб қайтишяпти. Улар жойларда қандай фаолият юритишяпти?

— Кафедранимизда малака ошириб кетган врачлар билан ҳамкорликда қатор вилоятлардаги қишлоқ врачлик пунктларида биринчи қадам сифатида гипертония касаллигига чалинган беморлар мактабларини ташкил эта бошладик.

Республикамизнинг турли вилоятларидан келган мутахассисларга кафедранимизнинг билим ва тажриба ўқитувчилари машгулотлар олиб борадилар. Кафедранимиз ассистенти, иктидорли умумий амалиёт врачлари бундан ташқари Шаҳзода Гуломова яқинда Фарғона, Наманган вилоятларида бўлиб, ташкил этилган мактабларда фаолият кўрса-

таётган умумий амалиёт врачлари билан биргаликда беморлар учун машгулотлар, дарслар, суҳбатлар ўтказиб келди. Шунингдек, кафедрамиз раҳбарлигида артериал гипертонияга чалинган беморлар мактаби Олтиариқ туманидаги «Бурболик» ва «Янгиараб», Косонлиқ туманидаги Худойбердиев номи, Янгиқўрғон туманидаги «Қайроқи», Яқкабоғ туманидаги «Чинобод», Шаҳрисабз туманидаги Бобур номи қишлоқ врачлик пунктларида ташкил этилган. Барча мактаблар ўқув режалари, кўргазмалари қуроллар билан таъминланган. У ерда ишловчи врачлар кафедранимиз қошида махсус тайёргарликдан ўтган.

Мактаб гипертония касаллигига чалинган беморларнинг турмуш тарзини яхшилаш, умрини узайтириш, уларда мавжуд бўлган қатор хавфли омиллар таъсирини камайириш ёки бутунлай бартараф этиш йўлида иш олиб боради. Бунда беморларни оддий таъсишларга амал қилишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Биз ташкил қилган мактабларда эса айнан шу нарсалар ўргатилади. Жумладан, ўн кунга мўлжалланган дарсларда «тўғри ва меъёрида овқатланиш», «чекининг салбий оқибатлари», «қон босимини ўлчаш ҳамда уни назорат қилиш», «юқори босимни туширувчи дори воситаларини тўғри қабул қилиш», «гипертоник кризис ҳолатларида ўз-ўзига ёки бошқа беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш» каби мавзулар қамраб олинган. Дарс жараёнида беморлар ушбу мавзулар билан нафақат назарий, балки амалий таништирилади.

— Гипертония мактабларида фақат беморлар ўқитиладими?

— Бу мактабларга беморлар билан бир қаторда уларнинг яқинлари, шунингдек, касалликни келтириб чиқарувчи хавфли омиллари мавжуд бўлган аҳолини ҳам жалб этиш ишлари олиб бориламоқда. Чунки ортиқча вазн, наслик мойиллик, камҳаракатлик, чекиш, мол ёғдан тайёрланган таомларни сунитсезмол қилувчи аҳоли ўртасида нафақат гипертония касаллиги, бал-

ки бошқа юрак-қон-томир касалликларининг келиб чиқиши эҳтимоли ҳам жуда юқоридир. Уларнинг ўқишга жалб этилиши касаллик пайдо бўлишининг олдини олади. Бундан ташқари бу мактабда таҳсил олганлар келажакда маҳаллий аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини фаол тарғибот қилишлари мумкин. Бир мисол келтирмоқчиман, семизликка чалинган киши 1 кг. вазн йўқотса, систолик артериал қон босими 2,5, диастолик босими эса 1,5 мм. симбо устунига қамарди. Бунга меъёрида овқатланиш ва кун тартибига риоя қилиш, катта куч талаб қилмаган жисмоний машқлар билан эришиш мумкин.

— Аччиқ бўлса-да, бу ҳақиқат, баъзан аҳоли бундай ўқув машгулотларига «одатдаги гаплар», «мавсумий тадбир» дея кўпам қизиқиб, хайрихоҳ бўлавермишяпти. Гипертония мактабларининг ўқувчилари машгулотларга мунтазам келишармикан?

— Бугун давр ва одамлар ўзгарди. Аста-секинлик билан бўлса ҳам аҳоли онгидида ўз соғлиги учун қайғуриш ҳисси уйғонди. Бу умумий амалиёт шифокорларининг машаққатли меҳнатининг дастлабки қурталари. Дарсларда тушган кўплаб саволлар аҳолининг ўз саломатликлари тўғрисида қайғуришдан, ўқишга қизиқишдан далолат бермоқда. Демак, келгусида бундан юқори самараларга эришиш мумкин.

Умумий амалиёт врачларининг аҳоли ўртасида кенг профилактика ишларини олиб бориши, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиши, ўз вақтида турли эмлашларни ўтказиши, пировард натижада халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга асосий таянч бўлиб хизмат қилади дейишга асосларимиз бор. Эро, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, савиясини ошириш орқали биз юксак тиббий хизмат самардорлигини оширишга эришамиз. Энг муҳими, одамлар тафаккурига, ўз соғлигига ўзи масъуллигини сингдиришидир. Умумий амалиёт шифокори эса инсон соғлигининг соҳибисидир.

Суҳбатдош: Санда САЙХУН, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Интер-спорт

ДАРОЗ БОКСЧИГА АТАЛГАН МИЛЛИОН

АҚШнинг Чикаго шаҳрида ўтган қизиқарли бокс жанги иштирокчиси ва ғолиби россиялик Николай Валуйев мукофотга миллион доллар оладиган бўлди.

— У навбатдаги яна тўртта учрашув мобайнида 100 миллион доллардан кўпроқ маблағга эга бўлишига ишонаман, — деди боксчининг Германиялик иш юритувчиси Вилфрид Зауэрланд.

Эслатамиз, Валуйев рақиби Барретт билан жангда ўзининг жаҳон чемпиони унвонини муносиб ғимоя қила олди. WBA йўналишидаги ўта оғир вазни бу боксчи жангнинг 11-раундида техник нокаут билан зафар кўчди. Ана шу жанг олтидан Валуйев қарийб бир ой мобайнида АҚШ шаҳарлари бўйлаб сафарда мухлислар билан яқин мулоқотда бўлди. Бўйи 2,13 метрли, вазни 148 килограммли дароз боксчи ишқибозларда катта таассурот қолдирди. Шу кунларда боксчининг менежери навбатдаги рақибини изламоқда.



«БРИЛЛИАНТ ТҮП»ГА ДАЪВОГАРЛАР

ФИФА шу йил якунида «Жаҳоннинг энг яхши футболчиси» номини олишга даъвогар уйинчилар рўйхати ҳақида фикр юрита бошлади. «Бриллиант түп»га даъвогарлар орасида Франциялик машҳур футболчи, Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида энг яхши уйинчи эканлигини намойиш этган Зенитдин Зидан ҳам бор. Шунингдек, Франциялик Тьерри Анри, Патрик Виейра, Франк Рибери ва Лилян Тюрамлар ҳам ана шундай номга даъвогарлик қилишмоқда. 13 нафар энг яхши футболчи қаторида шунингдек, бразилиялик Роналдиньо, украинлик Андрей Шевченко ҳам рўйхатга олинган.



КИМ МУТЛАҚ ЧЕМПИОН БЎЛАРКИН?

Классик ва ФИДЕ йўналишидаги жаҳон чемпионлари россиялик Владимир Крамник билан болгариялик Веселин Топалов ўртасидаги мутлақ чемпионлик учун олиб борилган учрашувнинг асосий вақти 12-партиядан кейин якунланди. Лекин жаҳоннинг мутлақ чемпиони номи аниқланмай қолди. Чунки, 12-партияда Владимир Крамник оқ доналар суриб, дебютдан чиқишда бир мунча устунликка эришди-ю, лекин бундай имкониятдан фойдалана олмади. Аксинча у болгар шохматчининг қарши ҳужумга ўтишига йўл очиб қўйди. Оқбатда томонлар яна битмига келишига мажбур бўлишди.

Шундай қилиб, қизғин бахсининг асосий вақтидан кейин ҳисоб 6:6 бўлиб қолди. Энди қандай қўра, рақиблар қисқа муддатли тўртта партиядо тай-брейк ўтказадилар. Бунда шохматчилар ҳар бир юришга 25 дақиқа-ю 10 сония сарфлашлари шарт. Шунда ҳам ғолиб аниқланмаса, иккита блиц-партия уюштирилади. Бунда эса томонлар 5 дақиқа-ю 10 сонияда битта юриш қиладилар. Яна натижа бўлмаса, «қутилмаган ўлим»гача баҳс давом эттирилади.

Қизғин шундаки, бешинчи партиядо Крамникнинг келмагани учун Топаловга ғалаба ёзилган эди. Ҳозир Крамник ана шу партиядо қайта ўтказилишини талаб қилмоқда. Акс ҳолда у ФИДени Лозаннадаги спорт арбитраж судига бермоқчи.



Миллат ва маънавият

ХОЛБОЙ МУАЛЛИМНИНГ ХАЗИНАСИ

Касби тумани «Қатағон» қишлоғида истиқомат қилувчи ЎзХДП фаоли Холбой Хонкуловнинг шахсий кутубхонасида 18 минг 650 дона бадий китоб, 12 мингдан ортиқ газета-журналлар сақланмоқда

...2000 йилнинг куз ойларида Қашқадарёга бордик. Танишим Улугбек Хонкулов ўзи туғилган «Қатағон» қишлоғига таклиф қилди. Саранжом-сарошта, файли хонадон, Дастурхони тўкин оила. Соҳибу соҳибалар билан анча гурунлашдик. Дўстимнинг отаси тажрибали мураббий, 22 йил 3-мактабда директор бўлиб ишлаган Холбой Хонкуловнинг мўъжаз кутубхонаси мени ўшандаёқ хайратда қолдирганди. Муаллим ҳар йили кутубхонани мингдан ортиқ китоб, газета-журналлар билан бойитиб боради. Суҳбат асосида кутубхонасида 30 мингга яқин маънавият сарчасмаси сақланаётганини билиб олгандим.

Юртбошимизнинг «Миллий го» тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисидаги Қарори эълон қилингандан сўнг яна Қашқадарёга йўл олдим.

Маънавият, маърифат, илму урфон инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир. Ҳеч бир киши ундан айро яшолмайди. Турмушнинг туб моҳияти ҳам шунда. Устоз ёшлигидан китоб ўқишга ошно тутtingан экан.

Китоб-газета-журналлар оиланинг кундалик эҳтиёжига айланади қолган. Ҳовли бикинида шинам кутубхона... Еғочдан қилинган сўрида китоблар дид билан тахланган. Бир томонда газета тахлалари. Унинг сўл тарафида эса журналлар...

Эргаш АХМЕДОВ, тумандаги 3-мактаб директори: — Биласизми, у бойлик тўпламади, ҳар қандай ҳою хавас ўрнига бебаҳо жаҳоҳир йиғди. Ҳафта, ўн кунда кутубхонага келиб тураман.

Бу аждоиб аънанани фарзандлари ҳам давом эттиришмоқда. Похтахта истиқомат қилаётган Улугбекхоннинг мўъжаз кутубхонасида бугун 5 мингга яқин китоб мавжуд. Мустақиллик шарофати билан у кўпгина хорижий давлатларда бўлмайди, деб турмуш ўртоғим кўп тасдиқлайди, — дейди Бўстон НИЁЗОВА. — Уларнинг ҳар бирини ўқиб чиққан. Ҳозир жуда авайлаб-асрайди. Уйдагиларга, қўни-қўшинларга ундан фойдала-

нинглар, кўпроқ ўқинлар, деб кўп айтади. Шунинг учун оиламиз билан китобга алоҳида меҳр қўйганмиз. — Бу битмас-туганмас хазинани кўз қорачиғидек асрайман, — дейди қаҳрамонимиз. — Яқинда Қаршидан бир киши келди. Китобларнинг ҳар бирини 2 мингдан 10 минггача, журналларни 300-1000 сўмдан баҳолади. Газеталар юз сўм эмиш... Обдон ҳисоблади. Жами 15 миллион сўмдан ошаркан. Бир умр тўплаган, ҳатто турмушда қийналган пайларимда ҳам бировга бермаган китобларни энди сотмайман, дедим қайтис.

Тўғрисики айтсам, ярим асрдан ортиқ вақтда йиғилган «бойлигим» уйга сиймай қолувди. «Ешлар — маънавият маркази» қуриши қўнғилга тугиб, туман ҳокими Фуркат Шариповга учрашдим. У фикримни қўллаб-қувватлаб, қишлоғимиздан 30 сотих ер ажратди. Қурилишни ҳам бошлаб юбордик. Насиб этса, келаси йил 2 қаватли марказ иш бошлайди. Унда ўқув зали, «Маънавият ва маърифат» хамда компьютер хоналари қуриши мўлжаллаб турибмиз. Ҳозир икки дона замонавий компьютер ҳам сотиб олдик.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

ҲИҚМАТЛАР САНДИГИДАН

Инони эъзозлан, чунки у ер ва осмон барокотибандир. Кимки дастурхона тўқилганини еса, Аллоҳ унинг гуноҳини кечад.

(Ҳадисдан)

- ❖ Нон — меҳнатнинг меваси.
- ❖ Балқ сув билан — одам нон билан тириж.
- ❖ Ноннинг ушоғи ҳам нон.
- ❖ Оч одам тушида ҳам нон кўради.
- ❖ Нон — неъматлар султони.

Тўпловчи: Юнус ЗИЁДОВ

Мулқчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ 1-СОҢЛИ ҚОН ҚУЙИШ СТАНЦИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: Фарғона шаҳар, Бобур кўчасидаги «Вилоят қон қуйиш станцияси биноси»ни капитал реконструкциялаш, «калоти билан»

Қурилиш муддати — 3 ой

Манзили: Фарғона шаҳри, Бобур кўчаси, 7-уй, телефон/факс: 224-33-61.

Умумий қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорига айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лойиқлиги юридик ҳуқуққа эга, ўқишга объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилиш-танлов савдолари ва нархлари шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда оферталарни очиб қуни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотта эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, юқоридида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўми Хайъати Оқолтин туман партия кенгаши раиси, Оқолтин ижтимоий-иқтисодий коллежи директори, Халқаро педагогика академиясининг ҳақиқий аъзоси **ЁҒҚОҚДИ ХАЙДАРОВ**нинг бевақт вафот этгани муносибати билан унинг оила-аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

BOSH MUHARRIR:	
Safar OSTONOV	
TAHRIIR HAY'ATI:	
Abdulla OROPOV	
Latif G'ULOMOV	
Asliddin RUSTAMOV	
Bobir ALIMOV	
Turobjon JO'RAYEV	
Feruz NAZIROV	
Ulug'bek MUSTAFOYEV	
Baxtiyor DO'SJONOV	
Farruh HAMROYEV	
(Bosh muharrir o'rinbosari)	
Alimqul SULTONOV	
(Bosh muharrir o'rinbosari)	
Nomoz SA'DULLAYEV	
Akbar JONUZOQOV	
Muslihidin MUHIDDINOV	
Olim MURODOV	
Abdug'ani MAMASODIQOV	
(Mas'ul kotib)	
MUASSIS:	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIY PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI	
BO'LIMLAR:	
Siyosat, partiya va xalqaro hayot	133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifot	133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot	133-20-36
Parlament va huquq	136-76-21
Ekologiya va salomatlik	133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik	133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar	133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib	133-72-83
Reklama va e'lonlar	133-38-55, 133-47-80
VILOYAT MUXBIRLARI:	
Andijonda	25-32-70
Buxoroda	222-10-92
Gulistonda	25-22-32
Jizzaxda	5-49-85
Navoiyda	223-83-73
Namanganda	6-43-43
Nukusda	222-70-15
Samarqandda	35-20-54
Urganchda	226-51-35
Farg'onada	26-43-62
Termizda	3-79-98
MANZILIMIZ:	
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.	
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz	
Navbatdohi: Shohaydar MIRHABIBOV	
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Ibrakjon ISMOILOV, Sokirjon TUNG'ATOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.	
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Ibrakjon ISMOILOV, Sokirjon TUNG'ATOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.	
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Ibrakjon ISMOILOV, Sokirjon TUNG'ATOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.	
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Ibrakjon ISMOILOV, Sokirjon TUNG'ATOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.	
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Ibrakjon ISMOILOV, Sokirjon TUNG'ATOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.	
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Ibrakjon ISMOILOV, Sokirjon TUNG'ATOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.	
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Ibrakjon ISMOILOV, Sokirjon TUNG'ATOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.	
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Ibrakjon ISMOILOV, Sokirjon TUNG'ATOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.	
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Ibrakjon ISMOILOV, Sokirjon TUNG'ATOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.	
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Ibrakjon ISMOILOV, Sokirjon TUNG'ATOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.	
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Ibrakjon ISMOILOV, Sokirjon TUNG'ATOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyador	